

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ**

**БАКАЛАВРИАТ 5610100 – ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ  
ЙЎНАЛИШИ**

**4.33- ГУРУХ ТАЛАБАСИ**

**Солиев Давлатбек Нодирали ўғлининг**

**Б И Т И Р У В  
М А Л А К А В И Й И Ш И**

**Мавзу: Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга  
қаратилган лойиҳалар таҳлили**

**Илмий раҳбар:**

Фермер хўжалигини бошқариш”  
кафедраси доценти, и.ф.н.

Мардиев Н.

**Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»**

Фермер хўжалигини бошқариш  
кафедраси мудири,  
Доцент Пулатова Р.

Фермер хўжалигини бошқариш  
факультети  
декани, доцент А.Шокиров

\_\_\_\_\_

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_.

\_\_\_\_\_

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_.

**Тошкент - 2014 й**

**Мундарижа**

	<b>КИРИШ</b>	2
	<b>АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ</b>	4
<b>I-БОБ.</b>	<b>СУВ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b>	7
1.1.	Сув ресурслари билан таъминланганлик даражасининг назарий асослари	7
1.2.	Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аграр тармоқни мутаносиб таркибини шакллантиришнинг услубий асослари	9
<b>II-БОБ.</b>	<b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b>	13
2.1.	Фермер хўжаликларида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда замонавий сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш	13
2.2.	Сув ресурсларидан фойдаланишда самарадорликни оширишга қаратилган лойиҳалар таҳлили	26
<b>III-БОБ.</b>	<b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	42
3.1.	Инкирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш	42
3.2.	Сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари	49
	<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b>	56
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	57

## КИРИШ

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда замонавий сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш масалалари, бу нафақат республикамизнинг балки бутун дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасининг олдида турган энг муҳим вазифа бу аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат бўлиб, сув ресурсларининг танқислиги эса йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ҳисобга олинса, мавжуд сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли барчаси суғориладиган ерлардан олинганлиги учун қишлоқ хўжалиги суғориш ва мелиорация билан узвий боғлиқдир. Сув хўжалиги мажмуаси мукамаллаштирилмас экан, сув ресурсларини бошқариш мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилмас экан, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юқори даражага кўтариб бўлмайди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш борасида мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон - қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир»<sup>1</sup>.

Республика бўйича ерларни суғориш учун йилига ўртача 55-60 млрд. м сув талаб этилади. Бу кўрсаткич Марказий Осиё республикаларида истеъмол қилинадиган сувнинг деярли ярмига тенгдир. Республикада фойдаланадиган сувнинг 80 фоизи қўшни давлатлар ҳудудидан оқиб келишини, шунингдек, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида трансчегаравий сув ресурсларини тақсимлаш ва ундан фойдаланишда юзага келган мавжуд муаммоларни инобатга оладиган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент, 1999. - 617 б

бўлсак, чекланган сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Сув ресурслари танқислиги сезилаётган ҳозирги шароитда сувни тежаб сарфлаш, сув манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувга хўжасизларча муносабатда бўлишнинг олдини олиш талаб этилмоқда. Мавжуд суғориш усулларининг мукамал эмаслигидан сувдан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда, суғориш меъёрларининг кўтарилиб кетиши, ерларнинг шўрланиш ва ботқоқланиш жараёни содир бўлмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қуйидаги маълумотларни келтиради: «Яна бир устувор йўналиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж кудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди, реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди<sup>2</sup>.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, мазкур мавзу қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий- иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга таъсирини аниқлаш асосида тежамкорликка эришиш, самарадорлигини ошириш йўналишларини ўрганишга бағишланган бўлиб, ушбу жиҳатлар мавзунинг долзарблигини белгилайди.

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасида чекланган сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 385-сонли қарори.*

Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинадиган сувларни тақсимлашда сувдан

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш- дир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. - 47 б.

фойдаланиш тизими ушбу қарорга асосан амалга оширилади.

*«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни (06.05.1993).*

Сув ресурсларидан фойдаланиш ушбу Қонун билан белгилаб қўйилган. Қонунга кўра мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари тўғрисида» ги Фармони.*

Фармонга асосан республикада фермер хўжалиklarини ривожлантириш устувор йуналиш сифатида белгиланди.

Ушбу фармонга мувофиқ республика қишлоқ ва сув хўжалигида ўтказилган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳа бошқарувини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290- сонли ва 21 июлдаги 320-сонли қарорлари қабул қилинди. Қарорларга мувофиқ Қашқадарё вилоятида Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тузилиб, унинг таркибида 5та ирригация тизимлари бошқармалари ва 1та магистрал тизимлари бошқармаси ташкил этилди.

Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда ёндашилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг султ ишлари кейинги йилларда мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларининг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2007 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3932-сонли «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида

Суғориладаган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш ва 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг куйидаги энг муҳим устувор вазифалари белгилаб олинди:

- мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувларни тубдан ўзгартириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш;

- мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқова сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали нормативга мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатдан такомиллаштириш;

- лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли ҳамда 2003 йил 25 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Фармонлари билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларига устувор йўналиш берилганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг улуши ортиб бораётган шароитда уларга белгиланган меъёрларда сув етказиб бериш масъулиятини ўз зиммасига олган СФУнинг ишончли ҳамкор ўрни йилдан-йилга ўсиб бориши табиийдир.

2009 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди. Ушбу Қонуннинг 2-моддасига асосан сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ўрнига сув истеъмолчилари уюшмаси<sup>43</sup> билан ўзгартириш кераклиги белгилаб берилди.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент, 1999. - 617 б.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу асаида таъкидлаганидек: «Ўзбекистон қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир».

## **1-Боб. СУВ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Сув ресурслари билан таъминланганлик даражасининг назарий асослари**

Мамлакатимизда суғорма деҳқончилик тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади ва у қарийб 10 минг йиллик тарихга эга. Суғориш ва у билан боғлиқ каналлар, иншоотлар қурилиш ишлари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари водийларида олиб борилган. Эрамиздан аввалги VII-IX асрларда қадимги Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм давлатлари, Фарғона водийсида суғориш ишлари олиб борилганлиги, суғориш тармоқлари, сув тўплаш иншоотлари қурилганлигини тарихий маълумотлардан билиш мумкин.

Сув - ер юзасида ҳаёт мавжудлигининг асосий шартларидан биридир. Лекин, ҳозирги кунда, табиатдаги барча сувлардан бевосита фойдаланиб бўлмайди. Сув ресурслари нафақат барча чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат

бўлмай, балки, сув ресурслари бу - иқтисодий босқичларда ўзгариб турадиган барча чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувларидан иборат бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбаларининг йиғиндисидан иборатдир.

Ўлкамиздаги сув ресурсларининг асосий манбалари дарёлар, сойлар, булоқлар, сув омборлари, кўллардаги табиий тоза сувлардан ҳамда ер остида жойлашган чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат.

Ўзбекистонга тегишли маълумотларни 60-йилларда В.Л.Шульц томонидан аниқланган миқдор билан солиштирсак, фарқнинг унча катта эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. В.Л.Шульцнинг баҳолаши бўйича республиканинг йиллик юза сув ресурслари 99,5 км<sup>3</sup> га тенг бўлиб, унинг фақат 12,2 км<sup>3</sup> қисми Ўзбекистон ҳудудида ҳосил бўлади (1.1-жадвал).

1.1-жадвал  
Марказий Осиё давлатлари сув ресурслари<sup>3</sup>

Давлатлар	Майдони, минг км /%	Йиллик оқим миқдори, км <sup>3</sup>			Четдан келадиган оқим	
		1	2	3	1	3
Ўзбекистон	447,4/35,0 4	11,1	10,6	9,5	-	-
Туркманистон	488,0/38,4 4	1,0	-	1,1	-	2,9
Тожикистон	143,0/11,2 0	51,2	53,4	47,4	20,0	20,7
Қирғизистон	198,5/15,5 4	52,8	49,2	48,7	-	-
Жами	1276,9/100	126,1	-	106,7	-	23,6

<sup>3</sup> 1-"Сув ресурслари тўплами", 1967.; 2-М.И.Львович ва бошқалар, 1969.; 3-"Сув ресурслари тўплами", 1987.

Демак сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш деганда сув ва сувдан фойдаланиш ва уни муҳофазаси ҳақидаги барча қонун ва қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда улардан фойдаланиш жамиятга фақат бугунги кунда эмас, балки келажакда сув кам бўлган тақдирда ҳам энг юқори самара олишни таъминловчи кўрсаткич, деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш кўп жиҳатдан мавжуд суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон қадимдан суғорма деҳқончилик мамлакати бўлиб келган. Суғорма деҳқончилик озиқ-овқат соҳасида республика мустақиллигининг негизи ва асосий экспорт маҳсулотининг манбаидир».<sup>4</sup>

Демак, сув муаммоси бу - инсоният тарихида иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишидаги муҳим муаммолардан биридир. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш учун сув ресурсларидан самарали ва максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақасидаги суғориладиган ер майдони 8,5 миллион гектарини ташкил этади. Минтақада эса кенг кўламли сув хўжалиги қурилиши ва янги ерларни интенсив ўзлаштириш давом этмоқда.

Республикамизда суғориладиган экин майдонлари бугунги кунда 4,3 миллион гектардан зиёд бўлиб, ирригация қурилишига асосланган суғорма деҳқончилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш балансида тобора кўпроқ ижобий таъсир кўрсатмоқда. Суғориладиган ерлардан пахта, ғалла, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар олинмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97 фоизи суғориладиган майдонларда етиштирилади, йил давомида аграр соҳанинг суғориш сувига бўлган талаби 55-56 млрд. м<sup>3</sup> ни ташкил қилади. Бу эса Марказий Осиё

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент, 1999. - 617 б.

давлатлари эҳтиёжининг деярли ярмига тенгдир. Агар сув ресурсларининг 20 фоизи мамлакатимизда ҳосил бўлишини, қолгани эса Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан оқиб келишини ҳисобга олсак, сув биз учун қанчалик қадрли эканлигидан далолат беради.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, суғориладиган деҳқончилик халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув манбаларидан олинадиган бутун сув миқдорининг 75-80 фоизини истеъмол қилмоқда. Марказий Осиё ҳудудида ҳам шундай миқдорни ташкил этади. Агар 1990 йилда сув сарфларини 62 млрд.м<sup>3</sup> га, 2000 йилда эса 70 млрд.м<sup>3</sup> га етказиш мўлжалланган бўлса, ҳақиқатда 1990 йилда 58,1 млрд.м<sup>3</sup>ни, 2000 йилда 53,71 млрд.м<sup>3</sup> ни ташкил этган. Бугунги кунда бу кўрсаткич 50,0-53 млрд.м<sup>3</sup> даражасидадир.

## **1.2. Сув ресурслардан самарали фойдаланиш ва аграр тармоқнинг мутаносиб таркибини шакллантиришнинг услубий асослари.**

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юксалиши бевосита ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига ва сув ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Республикаимизнинг сув ресурслари эса Марказий Осиё сув ресурслари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Марказий Осиёда ҳосил бўладиган сув ресурсларининг 12,6 млрд.м<sup>3</sup> ер ости ва оқова, 87,4 млрд.м<sup>3</sup> эса ер усти сувларидан ташкил топади. Ер усти сувларининг 10 фоизгинаси республикамиз ҳудудида ҳосил бўлиб, қолган қисми кўшни давлатлар ҳудудидан оқиб келади.

Истеъмолчиларнинг сув билан доимо таъминланиши бу суғориладиган деҳқончилик ривожининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик ҳозирги кунда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинадиган сувнинг кўп қисмини истеъмол қилади. Олинадиган сувнинг 90-92 фоиздан кўпи экин майдонларини суғориш ишларига ишлатилади ва бу сувнинг 80 фоизидан ортиғи қайта фойдаланилмайди. Бу эса сув ресурсларининг беҳудага сарф бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда деҳқончиликнинг бошқа тармоқлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у деярли 100 фоиз суғориладиган ерларда олиб борилади.

Марказий Осиё минтақасига кирадиган Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон мустақил давлатларнинг сув ресурслари ўзаро қадимдан ҳам табиий, ҳам тарихий тарзда бир-бири билан узвий боғлангандир.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида мавжуд сув ресурслари ўзаро тузилган шартнома ва битимларга асосан тақсимланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасига жами 71,69 млрд.м<sup>3</sup> сув ажратилган. Шундан, дарё сувлари 58,6 млрд.м<sup>3</sup>, шу жумладан ички дарё сувлари 11,5 млрд.м<sup>3</sup>, ер ости сувлари 10,1 млрд.м<sup>3</sup> ҳамда зовур-оқова сувлари 3 млрд.м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Буларнинг барчаси мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликни ривожлантиришни лимитловчи омилларидан бири - бу сув ресурсларининг ўсиб бораётган тақчиллиги ҳисобланади. Сув ресурсларининг тақчиллигини келтириб чиқараётган иккита асосий сабаб мавжуд. Биринчидан, Марказий Осиё минтақасида Амударё ва Сирдарё сув ресурсларининг оқилона тақсимланмаганлигидир. Дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатлар (Қирғизистон, Тожикистон) ва қуйи қисмида жойлашган давлатларнинг (Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон) сув хўжалиги ташкилотлари ўртасида турлича келишмовчиликлар айрим ҳудудларда сув тошиши ва вегетация даврида сувнинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Иккинчидан, суғориш манбасидан тортиб, турли даражадаги каналларгача барча суғориш ва дренаж тизимларидаги сув йўқотишлар тақчилликка сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, суғорма сувининг исроф бўлиши сув иншооти турига, каналлар сиртки қоплами мавжудлигига ҳамда бошқа ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларга боғлиқдир. Ҳозирги вақтда 20-25 фоиз атрофидаги суғорма сувлар хўжаликлараро суғориш тизимларида йўқотилмоқда. Хўжалик ичидаги тармоқда йўқотишлар мутлоқ ва нисбий ифода бўйича анча баланд ва эксперт баҳоларига кўра етказилаётган сувнинг 40-50 %ни ташкил қилмоқда. Қўшимча 10 % сувлар вақтинчалик ўқариқларда йўқотилиши кузатилган. Демак, юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, гидромелиоратив тизимларнинг муҳандислик иншоотлари мукамал эмаслиги, тизимларнинг таъмирланмасдан кўп йиллик фойдаланиши натижасида эскириш билан боғлиқ техник характердаги

сабаблардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш кераклигини тушунмаслиги билан боғлиқ ташкилий-субъектив характердаги сабаблар ҳам мавжуддир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш биринчи навбатда, республикамизда умуммиллий бойлик ҳисобланган суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ва деҳқончилик маданиятини оширишни тақозо этади.

Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун олинadиган сувларни тақсимлашда сувдан фойдаланиш тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасида чекланган сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 385-сонли қарорига асосан амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни билан белгилаб кўйилган. Қонунга кўра мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси учун жами ажратилган сувнинг 92,5%и қишлоқ хўжалигига, 5,2%и маиший хизмат соҳасига, 1,4 %и саноат соҳасига, 0,7 %и балиқчиликка ва қолган 0,2%и энергетика соҳаларига ишлатилади. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув етказиб бериш маълум харажатларни талаб этади. 2005 йил маълумотларига қараганда республика бўйича жами 52065 млн.м<sup>3</sup> сув етказиб берилган бўлса, унга умумий ажратилган маблағ 332,209 млрд. сўмни ёки 1 м<sup>3</sup> сувни етказиб бериш харажатлари ўртача 6,40 сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2006 йилда 7,80 сўмни ташкил этган ҳолда, яъни 52226 млн.м<sup>3</sup> сув сарф қилиниб, унга ажратилган маблағ 407,363 млрд.сўмни ташкил этган. Бугунги кунда 1000 м<sup>3</sup> сув учун ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб 6-8 минг сўмдан то 16-20 минг сўмгача сарфланмоқда.

## **II-Боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУВДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш ва сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш лойиҳалари таҳлили**

2.1. Фермер хўжаликларида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда замонавий сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда замонавий сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш масалалари, бу нафақат республикамизнинг балки бутун дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасининг олдида турган энг муҳим вазифа бу аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат бўлиб, сув ресурсларининг танқислиги эса йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ҳисобга олсак, мавжуд сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш ҳамда сув хўжалиги иншоотларини беталофат ишлашини таъминлаш бўйича тизимли равишда иш олиб борилмоқда.

Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти, табиий инсоний ресурсларининг бойлиги ҳамда савдо ва транспорт учун транзит имкониятларининг кенглиги туфайли бутун дунёда ўзига катта эътиборни

жалб этиб келмоқда.

Минтақа сув ресурсларининг асосий қисми Қирғизистон ва Тожикистондаги қорлар ва музликлар ҳисобига шаклланади. Асосий сув истеъмолчиси саналган суғориладиган деҳқончилик қилинадиган майдонлари дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Минтақанинг асосий сув ресурсларининг ўртача кўп йиллик миқдори 114,4 млрд.м<sup>3</sup> ташкил қилиб, давлатлараро келишувга асосан Ўзбекистоннинг улуши 63,0 млрд.м<sup>3</sup> ташкил этади.

Республикамиз ҳудудида эса 11,5 млрд.м<sup>3</sup> сув шаклланиб, шундан, Амударё ҳавзасига 4,8 млрд.м<sup>3</sup>, Сирдарё ҳавзасига эса 6,7 млрд.м<sup>3</sup> тўғри келади.

Ушбу маълумотлардан кўришиб турганидек, Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида шаклландиган сув захиралари кам ва фойдаландиган сув ресурсларининг қарийб 80 % и трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўғри келади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги ислохотлар натижасида сувнинг умумий йиллик миқдори 90-йилларга нисбатан 64 км<sup>3</sup> дан 52 км<sup>3</sup> гача камайишига эришилди.

Давлатлараро Сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясини (МКВК) Амударё ва Сирдарё дарёлари сув ресурсларини минтақанинг тегишли давлатларига тақсимлаб беради.

Республикамиз ҳудудида эса **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги** томонидан иқтисодиёт тармоқлари, вилоятлар ва ҳавза бошқармаларига Амударё, Сирдарё ва бошқа йирик дарёлар бўйича лимитларни, шунингдек йирик сув омборлари ва йирик насос станцияларнинг ишлаш режимларини белгиланади.

**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари** ўз лимитлари доирасида ирригация тизимлари ва магистрал каналлар бўйича вилоятларга, иқтисодиёт тармоқларига ва туманларга сувдан фойдаланиш лимити белгилайди.

**Ирригация тизимлари бошқармалари** - иқтисодиёт тармоқларига, туманларга ва сув истеъмолчилари уюшмаларига сувдан фойдаланиш лимитини белгилайди.

**Сув истеъмолчилари уюшмалари эса** - ҳудуддаги фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига сув лимитларини белгилаб беради.

Сув ресурслари мамлакатимиз барча иқтисодиёт тармоқларида ишлатилиб, шундан 88%и қишлоқ хўжалиги зиммасига тўғри келади. Қолган қисми эса коммунал, энергетика, саноат, балиқчилик ва бошқа соҳаларда ишлатилмоқда.

Ҳозирда республикада сув ресурсларини бошқаруви Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги 320-сонли қарори асосида ташкил этилиб, сувдан фойдаланиш ҳавзавий принцип асосида бошқарилади ва сув хўжалиги ташкилотларининг барча бўғинларини қамраб олади.

Республикада суғориладиган майдонлар 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, сув таъминотини таъминлаш мақсадида, 180 минг км узунликдаги суғориш тармоқлари, 800дан ортиқ йирик гидротехник иншоотлар, 20 минг донага яқин гидропост ва сув тақсимлаш иншоотлари, умумий ҳажми 19,2 млрд.м<sup>3</sup> бўлган 55 та сув омборлари, йиллик электр энергиясининг умумий сарфи 8,2 млрд.кВт соат бўлган 1614 та насос станциялари, 4124 та тик суғориш қудуқлари хизмат қилмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарорлигини таъминлаш мақсадида 102 минг 800 км очик коллектор-дренаж тармоқлари, 38 минг. км ёпиқ-дренаж тармоқлари, 3451 та тик дренаж қудуқлари, 153 та мелиоратив насос станциялари ва 24 минг 839 та кузатув қудуқлари ишлатилиб келинмоқда.

Лекин, охириги йилларда дарёларнинг юқори оқимида жойлашган давлатларнинг сув сиёсати дарёлар сув оқимини жиддий ўзгаришларига сабаб бўлди. Натижада қиш даврида оқим бўйлаб пастроқда жойлашган мамлакатимизнинг айрим ҳудудларини сув босиши юзага келган бўлса, суғориладиган майдонларида ёз мавсумида сув тақчиллиги юз бера бошлади.

Бунинг асосий сабаби, юқорида жойлашган Тохтогул, Нурек каби сув омборларини ирригация режимидан энергетика режимига ўтказилганлиги сабаб бўлмоқда.

Жумладан, сув танқис бўлган ўтган 2011 йилнинг ёз даврида Амударёнинг қуйи қисмида ўта сув танқис ҳолатда ҳам Тожикистон томонидан Нурек сув

омборида 4,5 млрд.м<sup>3</sup> сув тўпланди.

Ўхшаш ҳолатни Тохтогул сув омбори мисолида ҳам кўриш мумкин, яъни мазкур сув омборида вегетация даврида сув йиғилиб, қиш мавсумида дарёга чиқариб юборилмоқда.

Оқибатда Ўзбекистоннинг Сирдарё дарёси бўйидаги худудлари қишда сув тошқинларидан азият чекилаётган бўлса, суғориладиган майдонлари ёз даврида сув тақчиллигига дуч келмоқда. Бундай ҳолат йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Нурек, Қайрокум ва Тохтогул сув омборларининг сўнги 20 йил мобайнидаги фаолияти дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган давлатларнинг манфаатларини ҳеч инобатга олмай ишлатилиб келинмоқда. Бундай ҳолатда Тожикистонда қурилаётган Роғун сув омборини яхши ниятда ишлатишига қандай қилиб ишониш мумкин.

Бундай шароитда Ўзбекистон албатта ўз манфаатларини ҳимоя қила туриб, ўзининг позициясини халқаро тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларидан келиб чиққан ҳолда трансчегаравий дарёларда давлатлараро аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай йирик сув иншоотлари қўшни давлатлар билан келишилиши ва албатта халқаро ҳуқуқ меъёрлари доирасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий экспертизадан ўтказилишини талаб қилмоқда.

Қўшни давлатларнинг трансчегаравий сув ресурсларининг табиий оқимини ва режимини ўзгартириш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари нафақат халқаро сув ҳуқуқларининг меъёрларига зид, балки инсонларга ва табиатга нисбатан бўлган умуминсоний принципларга ҳам қарама-қаршидир.

Ўзбекистон халқаро тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари асосида иш юритиб 2007 йилда:

- БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан 1992 йилда қабул қилинган «Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Конвенцияси»га;

- БМТ доирасида 1997 йилда қабул қилинган «Халқаро сув оқимларидан кема катновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция»га аъзо бўлди.

Мазкур Конвенциялар асосида иш юритиш трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда барча давлатларнинг манфаатларини бирдек инобатга олиш

асосида сув ресурсларини адолатли бошқариш имкониятларини яратади.

Мазкур конвенцияларнинг халқаро нормаларига таянган ҳолда трансчегаравий сув оқимларини бошқариш билан боғлиқ барча ҳаракатлар томонларнинг ўзаро манфаатлари асосида амалга оширилиши шарт. Республиканинг ушбу принципиал позицияси турли халқаро анжуманларда юқори минбарлардан туриб таъкидланиб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги позициясини дунё ҳамжамиятига етказиш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида сув хўжалиги соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан вазирлик ўртасида яқиндан алоқалар ўрнатилган.

Жумладан, ҳозирги кунда Ўзбекистон:

Умумжаҳон Сув Кенгаши;

Ирригация ва Дренаж бўйича Халқаро Қўмита;

Катта тўғонлар бўйича Халқаро Комиссия;

Ислом Давлатлараро Сув Ресурсларини Бошқариш ва Ривожлантириш

Тармоғи;

Глобал Сув Хўжалиги Ҳамкорлиги;

Сув Ресурсларини Ривожлантириш ва Бошқариш бўйича Ислом Давлатлараро Тармоғи каби бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди ва улар орқали трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасидаги ўз ёндашувларини халқаро ҳамжамиятга етказиб, улар билан ҳамкорликда кўплаб, конференция ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, 2012 йилнинг март ойида Францияда ўтказилиши режалаштирилган 6-Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик жараёни доирасида Умумжаҳон сув кенгашининг кўмагида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Тошкент шаҳрида халқаро конференция ўтказилди.

Ушбу конференцияда дунёнинг 32 мамлакатидан сув хўжалиги соҳасидаги 400 дан ортиқ таниқли эксперт ва олимлар, 30 га яқин нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг вакиллари иштирок этиб, улар томонидан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро сув ҳуқуқ нормаларига амал қилиш лозимлиги, трансчегаравий дарёларда ҳар қандай

гидроэнергетик объектларни қурилиши ҳалқаро холис экспертизанинг ижобий хулосасидан сўнг амалга оширилиши бир овоздан эътироф этилди.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида ҳам минтақамиз сув муаммоларига батафсил тўхталиб, “Орол денгизи муаммоси - бу минтақада яшаётган миллионлаб инсонларнинг муаммосидир” деган сўзлар билан жаҳон оммасига мурожаат қилиб энергия олишнинг ҳар томонлама хавфли бўлган йирик иншоотлари ўрнига кичик ГЭСлар қуришини таклиф қилдилар.

Бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан сувни тежовчи тадбирларни амалга ошириш ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш йўналишидаги ишларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида сувни кўп талаб қилувчи экин майдонлари қисқартирилиб, кам сув талаб қиладиган экин майдонлари кенгайтирилди.

Агар бундан 20 йил аввал экин майдонларининг қарийиб 50 %ини пахта эгаллаган бўлса, бугунги кунга келиб, пахта майдонларининг улуши 30 % гача қисқартирилди.

Натижада мамлакатимиз миқёсида 1 га ерни суғоришга сарфланаётган сувнинг ўртача миқдори 90-йиллардаги 22 минг м<sup>3</sup> дан 2011 йида 10,5 минг м<sup>3</sup> гача камайишига эришилди.

#### **Қонунчилик баъзаси такомиллаштирилди,**

✓ 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-240–сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

✓ “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Кейинги йилларда ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ташабуслари билан ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикаимиздаги мавжуд 4 миллион 300 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг қарийиб 49 фоизи турли даражада шўрланган, 219 минг гектар ёки 5 фоиз майдонда ер ости сизот сувлари сатҳи 1,5 метргача жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3932-сонли Фармонида асосан Молия вазирлиги ҳузурида махсус департамент ташкил этилиши ва ушбу тадбирларга катта миқдорда маблағ белгиланиши, бу соҳада туб бурилиши ясалди.

Республикада микёсида бажарилаётган амалий ишлар натижасида экин ер майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг даромадини ошириш ва ҳаражатларини камайтириш имконияти яратиб берди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган мелиорация объектларини реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ва тиклаш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги қабул қилинган “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида” ПҚ-817-сонли Қарори асосида беш йиллик дастур асосида иш бошланди.

Ўз навбатида, Давлат Дастур режа параметрларини белгиланган муддатларда сифатли қилиб бажариш ҳамда Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш учун:

мелиоратив техникаларнинг кўп профили мавжуд паркинни янгилаш, мелиоратив тадбирларни бажариш билан билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ва бошқа ташкилотларга замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналарни етказиб берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли Қарори билан “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси;

мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини тизимли равишда бажарилишини ташкил этиш мақсадида эса, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 92-сонли қарори билан мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 48 та давлат унитар корхоналари давлат унитар корхоналари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилди.

Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида муассислар

томонидан жами 1416 дона техника ва машиналар жумладан, 588 дона экскаватор ва 174 дона бульдозерлар ҳамда 654 дона бошқа асосий фондлар дастлабки мулк сифатида берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари доирасида тасдиқланган Давлат дастури бўйича 2012 йилгача, беш йил давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига жами 747 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Жами 5 йил давомида 3510 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 46 дона мелиоратив насос станциялари, 797 дона вертикал дренаж ҳамда кузатув кудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди.

Шунингдек, жами узунлиги 66,7 минг км бўлган коллектор-дренаж тармоқлари, 5407 дона вертикал дренаж кудуқлари, 164 дона мелиоратив насос станцияларида таъмирланди ва тикланди.

Энг асосийси маблағларни мақсадли йўналтирилиши асосида 20-30 йилдан бери фақат режалаштирилаётган, аммо амалга ошириш ёки тугаллашнинг иложи бўлмаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар қурилиши тугалланиб, ишга туширилди. Масалан, Тошкент вилоятидаги Уртукли коллектори, Бухоро вилоятидаги Қумсултон пастлигидан Денгизқўл ташламасигача бўлган магистрал коллектор ҳамда Каттакўл-Гўжайли магистрал коллекторларининг қурилиш ишлари амалга оширилди.

Республика миқёсида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0 метргача бўлган майдонлар 519 минг гектарга камайишига эришилди.

Ўтказилган таҳлиллар, мелиорация тадбирлари амалга оширилган ҳудудларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнергача кўпайганини кўрсатди.

Булардан ташқари, ушбу амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар натижасида аҳолининг 100,0 минг гектардан ортиқ томорқа ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Биргина, Фурқат тумани ҳудудида янгидан қурилган мелиоратив насос станциясини ишга тушириш натижасида таъсир ҳудудидаги майдонларда пахтадан

олинадиган ҳосилдорлик 30,8 ц/га дан 33,2 ц/га ёки 2,4 ц/га, ғалладан эса 53,5 ц/га дан 59,7 ц/га ёки 6,2 ц/га ошган.

Бундай ижобий ўзгаришлар республиканинг барча худудларида кузатилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан, сув ресурсларидан фойдаланишни самарадорлигини ошириш борасида соҳага чет эл инвестицияларини киритиш бўйича ҳам чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган умумий қиймати 1 млрд. АКШ долларидан ортиқ булган 20 дан ортиқ йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар республикамизнинг барча худуларини қамраб олиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сув хўжалиги иншоотларини хавфсизлигини таъминлаш ва уларни модернизация қилишга қаратилган.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида умумий қиймати 74,5 млн.долл. бўлган “Ўзбекистон Республикаси дренаж лойиҳаси”;

Сурхондарё вилоятида қиймати 112,6 млн.долл. бўлган “Аму-Занг машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси”;

Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида:

қиймати 18,5 млн.долл. бўлган “Қуйи-Мозор” насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси”;

қиймати 76,2млн.долл. бўлган “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаси”;

қиймати 17,0 млн.долл. бўлган “Олот насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси”;

қиймати 14,0 млн.долл. бўлган “Қоракўл насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси” ҳамда

қиймати 25,1 млн.долл. бўлган “Навоий ва учкара насос станцияларини қайта тиклаш лойиҳаси”;

Фарғона водийси вилоятлари ва Зарафшон ҳавзасида қиймати 144,05 млн.долл. бўлган “Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш

лойихаси”, қиймати 81,8 млн.долл. бўлган “Фарғона водийси сув ресурсларини бошқариш 1-босқич лойихаси”;

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қиймати 94,0 млн.долл. бўлган “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш лойихси”, қиймати 77,0 млн.долл. бўлган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич лойихаси” амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари соҳага чет эл грант маблағларини жалб қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Япониянинг халқаро агентлиги (ЈСА), Швейцария ҳамкорлик агентлиги (ШУРС) ва бошқалар билан ҳамкорликда СИУларни қўллаб-қувватлашга қаритилган бир қатор лойихалар жорий этилмоқда.

Мазкур иншоотларнинг барчаси давлат бюджети ҳисобидан эксплуатация қилинади ва йилига қарийиб 1,0 триллионга яқин маблағ сарфланади.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон йирик сув хўжалиги комплексига эга бўлган мамлакат бўлиб, ўзининг истеъмолчиларини сув билан таъминлаш харажатларини қарийиб тўлалигича давлат бюджетидан молиялаштирмоқда.

Жумладан, ҳар бир куб метр сувни истеъмолчига етказиш учун ўрта ҳисобда 24 сўм, Навоий, Бухоро, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида 35 сўмдан 54 сўмгача маблағ сарфламоқда.

Ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳага катта эътибор бериши қарамасдан жойларда сув бўлган муносабат етарли даражада ўзгармаяпти, сув хўжалиги асосий бўғини бўлган СИУ фаолияти қониқарсиз аҳволда.

Жойларда сув бўлган муносабат ҳурматли фермерлармиз томонидан ханузгача тушуниб етмаяптилар.

Шундай бўлсада, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда:

- суғориладиган майдонларни кўллатиб суғориш;
- экинларининг суғориш тартиби ва техникасига риоя қилмаслик;
- сувнинг қатъий ҳисоб-китобини жорий қилинмаганлиги;
- суғоришнинг замонавий илғор технологияларини қўлланмаслиги;
- сув истеъмолчилари томонидан сувни беҳудага коллектор-дренаж

тармоқларига ташлаб қўйилиши;

–каналларни тозаланмаганлиги ва иншоотларни таъмирланмаганлиги натижасида каналлар фойдали иш коэффициентининг (ФИК) паст даражада қолаётганлиги;

–сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техник ва кадрлар таъминоти етарли даражада эмаслиги, уларга кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик каби бир қатор муаммолар ҳамон ечимини кутиб турибди.

Жумладан, СИУни нормал фаолият кўрсатиши учун ўртача 1 гектар майдонга 13-14 минг сўм маблағ тўлов талаб этилса, Андижон ва Наманган вилоятларида бор-йўғи 5 – 6 минг сўм бўлса, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 7 – 8 минг сўм ташкил этмоқда холос.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда, жойлардаги кўпчилик ташкилот ва идора раҳбарларининг ишига умуман масъулиятсизлиги ва беъпарволиги сабабли фойдаланишга топширилган мелиоратив объектлардан тўғри фойдаланиш ҳамда атрофларини ободонлаштириш ишларини назорат қилиш эътибордан четда қолиб, аксарият коллектор-дренаж тармоқларига фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан оқава сув ташлаш, уларнинг ўзанини ноқонуний равишда тўсиб олиш, ахлатхонага айлантириш, қирғоқ бўйлаб молхона ва уйлар қуриш каби кўплаб салбий ҳолатларга йўл қўйилганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Қанчалик машаққатлар билан далаларга етказиб берилаётган қимматбаҳо сув ресурсларига нисбатан хўжасизларча муносабатнинг ёрқин мисоллари сифатида биргина 2012 йилда “Ўзсувназорат” инспекция томонидан аниқланган камчиликларни келтиришимиз мумкин (2.1-жадвал):

2.1-жадвал

2012 йилда “Ўзсувназорат” инспекция томонидан аниқланган камчиликлар

Вилоятлар	Далолатнома-лар сони, дона		Жарима ҳақида қарорлар сони, дона		Жарима суммаси, минг сўм	
	2011й	2012й	2011й	2012й	2011й	2012й
Андижон	651	577	148	98	8443	6121
Наманган	763	920	470	530	30953	34867
Фарғона	360	835	509	575	28123	43714

Тошкент	601	1908	288	375	19725	28284
Сирдарё	417	370	286	327	19145	27649
<b>Республика</b>	<b>8580</b>	<b>9452</b>	<b>3548</b>	<b>3171</b>	<b>233701</b>	<b>241200</b>

Сувдан самарали фойдаланишни ташкил қилиш йўлидаги назорат ишлари бундан кейин ҳам янада кучайтирилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда замонавий сувни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш турлари бўлиб жумладан:

- Эгатлаб оддий усулда суғориш;
- Эгатларга плёнка тўшаб суғориш;
- Шланглар ёрдамида суғориш;
- Тупроқ остидан суғориш;
- Томчилатиб суғориш;
- Ёмғирлатиб суғориш;
- Пол олиб суғориш;

Сув хўжалиги иншоотларини тиклаш билан бир қаторда суғоришда сув тежовчи илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Бу борада ҳам республикада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан республикада 5495 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 1200 гектарда ғўза майдонларида эгатга полиэтилен пленка тўшаб суғориш технологиясини жорий этилди, шунингдек 1662 гектар ғўза майдонларини кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш бўйича иш олиб борилди.

#### **Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари**

Меҳнат ва моддий ресурслар сарфи камаяди

- Томчилатиб суғоришда даланинг фақат экинлар жойлашган қисмигина намланади, натижада дала тупроғи қотмайди,
- Тупроқни юмшатишга (культивация) ва ариқ олишга ҳожат қолмайди.
- Тупроғи қотмаган майдон мавсум охирида осон ҳайдалади.
- Ўғит сув билан бирга берилганлиги боис, ўғитлаш учун техника ишлатилмайди. Натижада меҳнат ва ёнилғи мойлаш материаллари тежаланилади.

•Далада сувчилар кетмон кўтариб ариқ тўғирлаб юрмайди, яъни суғоришдаги кўл меҳнати кескин камаяди.

Шу ўринда, томчилатиб суғориш тизимини жорий этилиши сувни тежашда катта самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаб, унинг кўламини жорий йилда янада кенгайтириш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

## **2.2. Сув ресурсларидан фойдаланишда самарадорликни оширишга қаратилган лойиҳалар таҳлили.**

Республикаимиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш - ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврда, Республикаимиздаги мавжуд 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг сал кам 2,1 млн.гектари (48,6 фоиз) турли даражада шўрланган.

Жумладан, 1363 минг гектари (31,7 фоиз) кам, 610,5 минг гектари (14,2 фоиз) ўрта ва 117,7 минг гектари (2,7 фоиз) кучли шўрланган ерлар жумласига киради.

Суғориладиган майдонларнинг 448,7 минг гектарида (10,4 фоиз) ер ости сизот сувлари сатҳи қишлоқ хўжалиги экинларининг нормал ривожланиши учун мақбул бўлмаган чуқурликларда (1,5 метргача) жойлашган.

Ушбу суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бориш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида ушлаб туриш учун 140 минг км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 3475 дона вертикал дренаж қудуқлари ҳамда 123 дона мелиоратив насос станциялари хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарликларида мамлакатимизнинг сув хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, уни замонавийлаштириш, сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби долзарб масалаларни ўз ичига камраб олган изчил ислохотларга киришилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3932-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонни ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти, замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналарни етказиб берилишини таъминлаш мақсадида “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида “2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури тасдиқланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича 2008-2012 йиллар давомида олиб борилган ишлар ҳақида маълумотлар.

Ўтган 2008-2012 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига мелиорация Жамғармаси томонидан **жами 748,7 млрд. сўм маблағ ажратилди.**

Республика бўйича ушбу даврда **3 минг 561 км** узунликдаги (*3144 км очик, 417 км ёпиқ-ётиқ*) коллектор-дренаж тармоқлари, **143 дона** мелиоратив насос агрегатлари, **797 дона** вертикал дренаж ҳамда **1417 дона** кузатув қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди. (*Ушбу тадбирларда 307,5 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилди*).

Шунингдек, жами узунлиги **67 минг 205 км** бўлган (*62785 км очик, 4420 км ёпиқ-ётиқ*) коллектор-дренаж тармоқлари, **5407 дона** вертикал дренаж қудуқлари, **194 дона** мелиоратив насос агрегатлари таъмирланди ва тикланди. (*Ушбу тадбирларда 313,5 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилди*).

Ўз навбатида, Жамғарма маблағлари ҳисобига “Ўзмелиомашлизинг” компанияси томонидан хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан дастур доирасида **1450 дона** мелиоратив техника, машина ва бошқа механизациялаш

воситалари, шу жумладан **600 дона** юқори унумли экскаваторлар, **180 дона** бульдозерлар, **88 дона** автотрейлерлар ва бошқалар харид қилинди. *(Техникалар хариди учун Жамғарма томонидан жами 127,6 млрд.сўм маблағ ажратилди).*

Юқоридаги тадбирларнинг бажарилиши натижасида лойиҳалар ҳудудида **1 млн. 200 минг** гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушлаб турилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилди ҳамда ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олди олинди.

Республика миқёсида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар **105,0 минг** гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи **2,0 метргача** бўлган майдонлар **117,6 минг** гектарга камайишига эришилди.

Олиб борилган кузатишлар, тадбирлар амалга оширилган лойиҳалар ҳудудида ўртача ҳосилдорлик пахта майдонларида **2,0-2,5 ц/га**, ғаллада **2,5-3,0 ц/га** ошганлигини кўрсатди.

2008-2012 йилларда амалга оширилган тадбирларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаган ҳолда келгусида ушбу ишларни давом эттириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ва мелиоратив тармоқларни такомиллаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори қабул қилинди.

Юқоридаги қарор билан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган:

- 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларнинг прогноз параметрлари;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган 2013-2017 йиллар даврида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш прогноз параметрлари;

- сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган 2013-2017 йиллар даврида суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш прогноз параметрлари;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг кредит маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобидан 2013-2017 йиллар даврида томчилатиб суғориш тизимини жорий этишнинг прогноз параметрлари **маъқулланди.**

Ушбу қарор доирасида, эндиликда мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш дастурларини шакллантириш жараёнида ирригация объектлари билан комплекс равишда ёндошган ҳолда тайёрланиши йўлга қўйилди.

Яъни, маълум бир ҳудудни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида қайта тикланиши талаб этиладиган коллектор-дренаж тармоғи атрофидаги суғориш канали ва лотокларнинг техник ҳолати ўрганилиб, биринчи навбатда ушбу ирригация тармоқлари ҳам дастурга киритилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мелиоратив объектларни тизимли таъмирлар ва тиклаш ишларига **буюртмачилик вазифаси** ушбу қарор билан жойлардаги Мелиоратив экспедицияларидан, вазирликнинг **Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияларига ўтказилди.**

Шу орқали, тугатилган объектларни қабул қилиб олишда ва амалга оширилаётган ишларда назорат тизими янада такомиллашиб, мелиоратив объектларда амалга оширилаётган тадбирларнинг сифатини ошишига яна бир сабаб бўлди.

Қабул қилинган қарор талаблари билан, 2013 йилнинг 1 майдан бошлаб

мева-сабзавотчилик, узумчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш учун ер участкаларини бериш бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари билан қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида тузиладиган ижара шартномаларида, қоида тариқасида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш тизимини ва сув тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини олиш назарда тутилиши бўйича тартиб ўрнатилди.

Давлат дастури доирасида 2013-2017 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган кувватларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1. **5109 км** узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини, **907 дона** вертикал дренаж кудуқларини, **35 дона** мелиоратив насос станцияларни ва бошқа кўплаб иншоотларни **реконструкция қилиш ва қуриш**, шу билан бирга **83 589 км** узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини, **3639 дона** вертикал дренаж кудуқларини, **126 дона** мелиоратив насос станцияларни ва **7 мингдан ортиқ** коллекторлардаги гидроиншоотларни **таъмирлаш ва тиклаш** ишлари;

2. **2103 км** узунликдаги каналлар, **96 дона** гидротехник иншоотлар, умумий куввати **97 м<sup>3</sup>/сек** бўлган насос станциялар, **75 км** узунликдаги босимли сув қувурлари, **36 км** узунликда қирғоқларни ҳимоя қилиш ишлари, умумий ҳажми **40 млн.м<sup>3</sup>** бўлган сел сув омборлари ва бошқа кўплаб иншоотларни **реконструкция қилиш ва қуриш** ишлари;

3. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг маблағлари ҳисобидан **492645 км** суғориш тармоқлари, **65926 км** лоток тармоқлари, **174110 дона** гидроиншоотлар, **11533 дона** насос агрегатларини таъмирлаш ва тиклаш, **252650 дона** фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишлари;

4. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг кредит маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобидан сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бўйича жами **25 минг гектар** майдонда томчилатиб суғориш тизими, **45,6 минг гектар** майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда **34 минг гектар** майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши;

5. Давлат дастури доирасида Сув хўжалиги эксплуатация ва қурилиш ташкилотлари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжалиқларининг моддий-техника паркини мустаҳкамлаш бўйича **836 дон** мелиоратив техника, машина ва механизмларни (*шу жумладан, 303 дон гидравлик экскаваторлар, 109 дон бульдозерлар, 99 дон автосамосваллар, 58 дон автокранлар, 27 дон ёқилги ташиш машиналари, 18 дон дренаж ювиш агрегатлари, 6 дон лазерли ер текислагичлар, 13 дон бетон қорғич машиналари, 14 дон бетон тайёрлаш қурилмаси ва бошқаларни*) харид қилиш режалаштирилган.

Мазкур дастур билан белгиланган ишларни бажаришни таъминлаш мақсадида 2013-2017 йиллар мобайнида республика бюджетидан қарийиб 2 012 376 млн.сўм маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан 1 285 325 млн.сўм;

*шундан:*

*мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига – 587 240 млн.сўм,*

*мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига – 574 409 млн.сўм,*

*мелиоратив техника ва машиналарни харид қилишга – 123 677 млн.сўм.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан **727 051 млн.сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тасдиқланган Давлат Дастурини амалга оширишдан **қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:**

Мелиоратив тадбирлар амалга ошириладиган лойиҳалар ҳудудида **1 млн. 132 минг** гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушлаб турилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилиши ҳамда ушбу

ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олди олиниши кутилмоқда.

Ирригация тадбирларининг бажарилишидан каналларнинг фойдали иш коэффициенти (КПД) 2–20 фоизга ошади, **770 минг** гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланиб, суғоришга бериладиган сувнинг ҳар йили ўртача **2900 млн.куб.м.** иқтисод бўлиши ва **240 минг** гектар майдонга кафолатли сув етказиб берилиши таъминланади.

Сув хўжалиги эксплуатация ва қурилиш ташкилотларининг ҳамда СИУ ва фермер хўжалиklarининг моддий-техника базаси бойитилиб, **1160** янги иш ўринлари яратилади.

**Мазкур қарор ижроси юзасидан 2013 йилда бир қатор тадбирларлар амалга оширилди, жумладан:**

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан **жами 230 млрд.сўм** маблағ ҳисобига:

156 та лойиҳа бўйича **848,8 километр** узунликда мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш (*109,3 млрд.сўм*);

238 та тизимли лойиҳалар доирасида жами **12481,2 км** узунликдаги очиқ ва **601,5 км** ёпиқ горизонтал дренажлар таъмирланди ва тикланди (*96,5 млрд. сўм*);

“Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси орқали **189 дона** замонавий мелиоратив техника ва механизмлар жумладан, 55 дона экскаватор, 20 дона бульдозер, 12 дона автокран, 20 дона автосамосвал ва 82 дона бошқа ёрдамчи техника ва механизмлар харид қилинди (*24,3 млрд.сўм*).

Натижада, **260,0 минг гектардан зиёд** суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, уларнинг барқарорлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2013 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги 1855-сонли қарорига асосан вазирликка 400,0 млрд.сўм ва “Идоралараро кенгаш”нинг баёнига асосан 16,312 млрд.сўм ва схема орқали 32,329 млрд.сўм жами 448,641 млрд.сўм капитал маблағлар ажратилиб, шундан 342,929 млрд.сўми мақсадли равишда йирик муҳим сув хўжалиги объектлари қурилишига

йўналтирилган.

2013 йилда жами 87 та объект қурилиши манзилий дастурга киритилган бўлиб, 43 таси йилдан-йилга ўтувчи ва 44 та янги қурилиш объектларини ташкил этди.

Қурилиш ва реконструкция объектларининг йўналишлари бўйича: каналлар **45218,2** млн.сўм, сув омборлари **347013,7** млн.сўм, гидротехник иншоотлар **6105,1** млн.сўм, насос станциялари **12043,1** млн.сўм, қирғоқларни мустахкамлаш ишлари **4976,9** млн.сўм, лоток тармоқларини қайта тиклаш ишлари **5564,2** млн.сўм, босимли қувурлар **4119,4** млн.сўм, лойиха ишларига **5271,8** млн.сўм, 2012 йил кредитор қарздорликнинг тўловига **14358,4** млн.сўм миқдорида капитал маблағлар лимити йўналтирилди.

2013 йил якуни билан **461 888,8** млн.сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, ёки йиллик режага нисбатан **101** фоиз, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари **444 301,2** млн.сўмни ташкил этди.

2013 йилда жами **214,5 км** умумий узунликдаги каналлар, **44,8 км** узунликда ирригация тармоқлари (лоток), **186 дона** гидротехник иншоотлар, **6,1 км** қирғоқ химоя ишлари, умумий қуввати **9,6 м<sup>3</sup>/сек** насос станциялари, **12,2 км** узунликдаги босимли қувурлар, **8,2 млн.м<sup>3</sup>** сифимли сув омбори эксплуатация ташкилотларига фойдаланишга топширилди. Ушбу бажарилган ишлар натижасида **163,7 минг гектар** майдонда сув таъминоти оширилиши таъминланди.

Ўтган **2013 йилда** магистрал ва хўжаликлараро суғориш тармоқларини тозалаш ишларига **219 дона** экскаваторлар жалб қилиниб, **5176 км режа** амалда **101 %** га ёки **35930 минг.м<sup>3</sup>** ҳажмдаги тупроқ ишлари учун **18789,0 млн.сўм** маблағ сарфланган.

Улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш режаси (**4955 дона**) **103 %**, гидростларни таъмирлаш режаси (**5255 дона**) **101 %** амалга оширилиб, ушбу ишларга **8927,0 млн.сўм** маблағ сарфланган.

Шунингдек, СИУ ва фермер хўжаликларининг суғориш тармоқларини механизм ёрдамида тозалашга **257 дона** экскаваторлар жалб этилиб, белгиланган

режа (**15806,0 км**) амалда **104 %**, қўл кучи ёрдамида тозалаш режаси (**106945,0 км**) амалда **100 %** га бажарилган.

Шу билан бирга СИУ ва фермер хўжаликларининг суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш режаси (**15640 дона**) амалда **101 %**, гидROPостларни таъмирлаш (**21206 дона**) амалда **100%га бажарилиб**, ушбу ишлар учун **6731,0 млн.сўм** маблағ сарфланган.

Бундан ташқари, **28942 дона (107%)** фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш ишларига **4009,0 млн.сўм** маблағ сарфланган.

Бугунги кунда вазирлик сув хўжалиги мажмуаси бўйича зарур бўлган қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш билан бирга қурилаётган ва таъмирланаётган иншоотларнинг хизмат муддатини узайтириш, мустаҳкамлигини ошириш ва таннархини камайтириш бўйича техник мониторинглар ўтказиб борилади.

Вазирликнинг 2004 йил 15 июндаги 156-сонли буйруғига асосан вазирликда Илмий-техник кенгаши ташкил этилган бўлиб, лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилган тендер ва лойиҳа-смета хужжатлари ушбу кенгашда кўриб чиқилгандан “Давархитекқурилиш” ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталаридан хулосалар олинади ва ундан сўнг таъмирлаш ва қурилиш ишларига рухсат берилади.

Ўтган 2013 йилда 42 та тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари Вазирликнинг Илмий-техник кенгашида кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар берилган бўлса, 2014 йилнинг 1-чораги давомида 47 та лойиҳа хужжатлари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилаётган объектларда иш жараёнида пайдо бўлган техник муаммолар Илмий-техник Кенгашда муҳокама қилиб борилади.

Жойларда қурилиш ишларининг бориши таҳлил қилинган вақтда асосий эътибор қурилиш сифати ва қурилиш жараёнини ташкил этишга қаратилади. Барча масалалар бўйича баённомалар тузилиб, берилган топшириқларнинг

бажарилганлиги ҳамда кўрсатилган камчиликларни тузатилганлиги алоҳида назоратга олинади.

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда суғоришда сувни тежайдиган илғор технологияларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб Ҳукуматимиз томонидан ушбу йўналишни ривожлантириш қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1958-сонли Қарорига асосан 2013-2017 йиллар давомида жами 25 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими, 45,6 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш усули ҳамда 34 минг гектар майдонда эса ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиши белгиланган.

Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда сувни тежайдиган замонавий суғориш усулларни жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июнда “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 176-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тежалган сув ресурсларидан бошқоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилиши белгилаб қўйилган.

Маҳсулотнинг таннархини пасайтириш мақсадида Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилади.

Бундан ташқари, сувни тежайдиган технологияларни жорий этадиган ер эгаларига Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредит линиялари орқали имтиёзли фоизларда кредит олиш мумкинлиги белгиланган.

**2.2-жадвал. Республикада амалга оширилаётган лойиҳалар  
тўғрисида маълумот (2014 йил)**

№	Турлари	Лойиҳалар сони			Ўлчов бирлиги	Лойиҳаларни амалга ошириш			Жами талаб этиладиган маблағ, млн.сўм			шундан, талаб этиладиган кредит маблағлар, млн.сўм		
		режа	амалда	фоиз		режа	амалда	фоиз	режа	амалда	фоиз	режа	амалда	фоиз
1	Интенсив боғлар	396	486	123	гектар	4340	4106	95	10677 7	10144 9	95	37472	3209	9
2	Янги тоқзорлар	1002	1024	102	гектар	6602	6121	93	31106	26919	87	5826	139	2
3	Реконструкция қилинадиган боғлар	346	373	108	гектар	1225	1356	111	6115	4125	67	310	524	169
4	Реконструкция қилинадиган тоқзорлар	728	671	92	гектар	2289	2430	106	8857	9932	112	1154	43	4
5	Иссиқхона қуриш (фермер хўжалигида)	110	83	75	гектар	76	49	64	17680	8111	46	6548	1415	22
	Иссиқхона қуриш (аҳоли хонадонидида)	1378	1461	106	гектар	36	35	96	4750	4187	88	1065	417	39
6	Музлаткичли омборхоналар	77	33	43	тонна	57860	16910	29	67191	29094	43	37088	11100	30
7	Қайта ишлаш корхона ташкил этиш	160	44	28	тонна	24390 0	30780	13	15685 5	18274	12	98410	6746	7
<b>Жами</b>		<b>4197</b>	<b>4175</b>	<b>99</b>	<b>гектар</b>	<b>14568</b>	<b>14097</b>	<b>97</b>	<b>39933</b>	<b>20209</b>	<b>51</b>	<b>18787</b>	<b>23593</b>	<b>13</b>
					<b>тонна</b>	<b>30176</b>	<b>47690</b>	<b>16</b>						

2.3-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот

Худудлар номи	Жами лойиҳалар				Шу жумладан									
					Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш					Музлаткичли-омборхоналар				
	лоийха сони	жами маблағи млн.сўм	ш.ж банк кредити	иш ўрин, сони	лоийха сони	тонна	жами маблағи млн.сўм	ш.ж банк кредити	иш ўрин, сони	лоийха сони	хажми, тонна	жами маблағи млн.сўм	ш.ж банк кредити	иш ўрин, сони

Қора қалпоғистон Республикаси	537	8154	3218	1497	12	1420	1322	995	82	8	1550	1885	1575	32
Андижон	639	74025	37576	1914	64	48568	22385	15958	478	59	15205	16475	3036	188
Бухоро	855	25854	11452	702	18	5161	3156	2500	172	12	2920	4521	3700	39
Жиззах	1043	66092	34021	7334	22	3650	9414	4354	164	8	4050	5235	2655	46
Қашқадарё	1860	155896	95831	5136	95	115341	54425	40362	1792	19	14270	25107	17884	138
Навоий	162	9227	2540	547	2	2062	2451	1050	123	7	930	920	280	23
Наманган	349	38323	23531	1270	29	14420	11430	7214	311	8	6600	4470	3400	115
Самарқанд	572	134099	27592	3457	46	36857	28510	11910	532	39	27090	26692	8590	289
Сурхондарё	1021	44279	21178	2136	25	10155	11976	7038	449	22	15580	14768	6838	197
Сирдарё	352	15639	7160	2221	18	7398	5304	3823	307	2	460	404	396	6
Тошкент	430	170447	81821	5728	41	89260	84071	57893	2133	29	18030	26153	11439	327
Фарғона	871	111281	41285	2238	66	32200	25274	10496	709	64	34210	40913	17718	456
Хоразм	242	5847	1422	524	7	1390	755	180	51	9	1850	3200	970	53
<b>Жами</b>	<b>8933</b>	<b>859163</b>	<b>388626</b>	<b>34704</b>	<b>445</b>	<b>367882</b>	<b>260473</b>	<b>163772</b>	<b>7303</b>	<b>286</b>	<b>142745</b>	<b>170743</b>	<b>78481</b>	<b>1909</b>

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредит бериш, қоидага кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, камида 3 йил муддатга, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг маржаси ҳисобга олинган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси бўйича амалга оширилади.

Жамғарманинг кредит линияси маблағлари ҳисобига кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 6%, шу жумладан банк маржаси – 3% миқдорида белгиланганлиги қишлоқ хўжалиги ер эгаларига берилган энг катта имтиёздир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4478-сонли Фармони асосида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган юридик шахсларни, ушбу технология жорий қилинган ер майдони бўйича 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этиш юзасидан Солиқ кодексига

Ўзгартиришлар киритилди.

Жорий йилнинг 24 феврида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари таклифлари асосида фермерлар кесимида 2014 йилда 5006 гектар томчилатиб суғориш, 6500 гектарда қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан суғориш қувурлари ёрдамида суғоришни, 8002 гектар ғўза ва бошқа экинларни полиэтилен плёнка қопланган эгатлар орқали суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ушбу дастур асосида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича 1781 гектардан ортиқ майдонларда лойиҳалаш ишлари олиб борилиб, 931 гектар майдонда қурилиш ишлари якунланди. Қолган 4000 гектар майдонда ҳам қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, кўчма эгилувчан суғориш қувурлари ёрдамида суғоришни ҳамда ғўза ва бошқа экинларни полиэтилен плёнка қопланган эгатлар орқали суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича “Жиззах пластмасса” ОАЖ билан шартномлар расмийлаштирилди ва ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган 638 тн полиэтилен гранулаларни декларацияланган нархда ажратиш бўйича жорий йилнинг 5 майида Вазирлар Маҳкамасининг баёни тасдиқланди.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш ва зах қочириш тизимларини таъмирлаш-тиклаш, сув хўжалиги иншоотлари ҳамда насос станцияларни модернизация қилиш борасида соҳага халқаро молия институтлари, жумладан Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Қувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки, Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари кенг жалб этилмоқда.

Жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан охириги 10 йилда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш ва зах қочириш тизимларини таъмирлаш-тиклаш, сув хўжалиги иншоотлари ҳамда насос станцияларни модернизация қилишга қаратилган умумий қиймати 1,2 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 20 дан ортиқ йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиб, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншоотларини хавфсизлигини ошириш ва уларни модернизация қилишга қаратилган.

Юқорида келтирилган барча тарбирларни амалга оширилиши ҳозирда ўзининг самарасини яққол кўрсатмоқда. Жумладан, бугунги кунга келиб Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 80-йилларга нисбатан йилига 64 млрд. м<sup>3</sup> дан ўртача 51 млрд. м<sup>3</sup> гача камайтирилди.

Сув манбаларидан 1 гектар суғориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг м<sup>3</sup>/га ишлатган бўлсак, бугунги кунда бу кўрсаткич 10,5 минг м<sup>3</sup>/га ни ташкил этмоқда.

Суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти ошиб, сувни йўқолишини олди олинмоқда, сув хўжалиги объектларининг беталофат ишлаши таъминланмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланиш мониторинги тизимини такомиллаштириш бўйича вазирлик ва тизимдаги илмий тадқиқот институтлари ҳамда халқаро молиявий институтлар томонидан бир қатор ишлар амалга ошрилмоқда. Жумладан ирригация тизимлари ҳавза, ирригация тизими, магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа ташкилотларда сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича ягона маълумотлар базасига эга бўлган компьютерлашган замонавий мониторинг юритиш тизими йўлга қўйилган.

Бу борада халқаро молия ташкилотларининг кўмагида вазирлик ва тизим ташкилотларининг мутахассис ходимлари ривожланган давлатларда ўз

тажрибаларини орттириб келмоқда. Қолаверса мазкур ташкилотлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида тренингларда ҳамда олий таълим муассасаларида ташкил этилаётган малака ошириш курсларида алоҳида йўналиш бўйича ўқишлар ташкил қилинмоқда.

### **III-Боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

3.1. Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида ирригация хавза бошқармалари бошқарув тизимини такомиллаштириш

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган йилларнинг даст-лабки кунларидан бошлаб сув хўжалиги тизимини бошқариш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ўзига хос ва танланган агроиқтисодий сиёсатга мос ислохотларни амалга ошира бошладилар. Масалан, Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё ҳудудида қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича бозор иқтисодиётига биринчилардан бўлиб ўтган давлат ҳисобланади. Сув хўжалиги соҳасида 1993 йилдан бошлаб, сув учун ҳақ тўлаш «Суғориш учун сув етказиб бериш тўғрисида»ги шартнома асосида амалга оширилди. Сувни рухсатсиз ва меъёрдан ортиқ даражада олганлик учун белгиланган тартибда жарима тўловлари ундириб олинди.

Қирғизистон Республикасида эса 1999 йилдан бошлаб барча тоифадаги сувдан фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш жорий қилинган эди. Унга асосан сувдан фойдаланувчилар туман сув хўжалиги билан сув етказиб бериш шартномалари асосида, яъни ҳукумат томонидан ташкил этилган сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) билан сувни абзозларга тақсим этиш ва сув учун ҳақ тўлаш тизимига ўтдилар.

Тожикистон ва Туркменистон Республикаларида ердан фойдаланиш шаклининг асосий қисмини йирик жамоа хўжалигилари ташкил этиб, сувдан фойдаланиш тизими фақатгина Туркменистон Республикасида ислоҳ қилинган. Бунда хўжалик ичидаги тармоқ жамоа хўжалигига тегишли бўлиб, уларга техник хизмат кўрсатиш давлат сув хўжалиги ташкилотлари томонидан ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг 3 фоизли чегирмалари ҳисобидан амалга оширилади.

Умуман олганда Марказий Осиё давлатларида сув хўжалиги тизимини бошқариш ва сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган ҳолда ташкил этилди. Яъни қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда кенг кўламдаги таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бироқ, ушбу тадбирлар билангина чекланиб қолмасдан, сув танқислиги кутилаётган бугунги кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илғор жаҳон тажрибаларини кенгроқ ўрганиш ва уларни ҳудудимизга ва урф- одатларимизга мос келадиган ютуқларини амалиётга жорий қилиш имкониятларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Исроил давлатининг бугунги кундаги тараққиёти, айниқса қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибалари, яъни суғоришнинг замонавий усулларида томчилатиб суғоришнинг афзалликлари ҳақида тўхталсак, бинобарин, бугунги кунда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалаи томонидан суғоришнинг ушбу усулидан фойдаланиш тажрибаси хўжаликларнинг далаларида татбиқ этилиши сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланишнинг пуллик хизматига ўтишни тақозо этади.

2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш мақсадида ва юмшатишга асос бўладиган омиллар ишлаб чиқилган бўлса, иккинчидан, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги

марраларга чиқишнинг ишончли йўли эканлигидан далолат беради.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимини изчил амалга оширилишига - яъни, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мазкур Давлат дастури доирасида жами 92,9 млрд. сўмлик (123,8%) маблағ мақсадли ўзлаштирилди. Жумладан, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича 47 та лойиҳа (22,4 млрд. сўм) ҳамда 429 та ўрнига амалда 243 та объект бўйича (38,6 млрд. сўм ) таъмирлаш- тиклаш ишлари амалга оширилди ва 31,9 млрд. сўмлик мелиоратив техникалар харид қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 266,5 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди, узунлиги 11052,7 километр магистрал, туманлараро ва хўжалигилараро коллекторлар тозаланди, жами 896,2 километр масофада ёпиқ-ётиқ зовур тармоқлари таъмирланди ҳамда лизинг асосида 144 дона гидравлик занжирли эксковаторлар келтирилиб, шундан 112 таси янги ташкил этилган Давлат унитар корхоналарига етказиб берилди.

Шунингдек, ушбу Давлат дастурининг 3-бўлимда «Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сув таъминоти ва қишлоқ аҳоли пунктлари санитарияси» лойиҳасига биноан, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида 53 км, Косон туманида 98 кмлик сув ўтказиш қувурларини қуриш учун 10,8 млн.доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилди.

Сув таъминоти тизими қандай бўлмасин барибир молиявий маблағ билан

боғлиқ. Мамлакат миқёсида сувга ҳақ тўланиши, албатта, масаланинг бир томони, лекин пул жуда кучли таъсир ўтказиш воситаси бўлиб, сувдан фойдаланувчилар хулқи ва кайфиятига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам амалда сувдан фойдаланувчилар қандай ва қанча ҳақ тўлашлари керак бўлиши сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланишни иқтисодий бошқаришга олиб келади.

Суғориш учун сув ресурсларига бўлган талаб сув хўжалиги комплекси учун ҳал қилувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Мавжуд миқдордаги сув ресурслари мутлақ чекловчи омил бўлиб саналади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1 тоннасини 1 кубометр сув миқдори ҳисобига фойдаланиш унумдорлигини кўпайтириш масаласини ҳал этиш лозим.

Бу ўз навбатида сув ресурсларидан вақтида, керакли миқдорда, энг зарур сифатда, яхши тупроқ, яхши уруғдан фойдаланган ҳолда, энг яхши хўжалиги юритиш усулларини қўллаб ва ниҳоят деҳқон-фермерлар ҳосилдорликни максимал юксалтириши учун шароит яратган ҳолда фойдаланиш сув ресурсларини тежамкорлик билан сарфлашга олиб келади.

Олинадиган сув ресурсларининг 90 фоизга яқини суғориш тадбирлари учун сарфланар экан, ҳозирги вақтда сув ресурслари миқдорини кўпайтиришнинг иложи йўқ. Бунинг ўрнига сувдан фойдаланиш, тақсимлаш, сувни йўқотишга қарши кураш бўйича билим асослари ва усулларидан унумли фойдаланиш лозим. Бироқ, бу соҳада мақбул қарорга келиш катта таҳлил ва лойиҳалаш ишларини олиб боришни тақозо этади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг эътибор берилиши керак бўладиган энг долзарб масалаларидан бири - бу ерларнинг тўхтовсиз минераллашиб боришидир. Бугунги кунда ерларнинг шўрланиб кетишига қарши кураш олиб бориш энг муҳим амалий тадбирлардан бири бўлиб қолиши керак.

Шунингдек, ушбу тадбирларнинг молиявий, сиёсий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатларини ўрганиб чиқиш ҳамда бу борада тадқиқотлар ўтказиш зарурияти юзага келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишнинг

иктисодий муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи илмий-амалий чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

-дренаж ва зовур сувларидан фойдаланиш технологиясини аниқлаш ва улардан кўп марта шўрга чидамли экин навларини экиш ва уларни суғориш, қолаверса, шўр ювишда фойдаланиш йўлларини аниқлаш;

-барча ҳудудларнинг табиий шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал суғориш режимини аниқлаш ва белгилаб бериш;

-ўта юқори даражада шўрланган сув ҳавзаларидан биокимё воситалар манбалари сифатида фойдаланиш имкониятларини мукамал ва атрофлича ўрганиб чиқиш;

-сув ресурсларини халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиш даражаси ва эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда уларни таснифлаб чиқиш;

-шўрланган ерларни тиклаш лойиҳалари бўйича тўлақонли илмий- амалий дастурлар ишлаб чиқиш ва улар устида иш олиб бориш;

-мавжуд суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш юзасидан кенг миқёсида амалий тадбирларни бажариш;

-ишлаб турган мавжуд суғориш тармоқларини тадқиқ этиш ва мавжуд шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги замон илғор технологияларини ва сув ресурслари баҳо қийматини ҳосил қилиш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва бошқалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган Давлат унитар корхоналарини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 92-сонли Қарори топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида республика бўйича 49 та сув хўжалигига ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарининг рўйхати, намунавий устави ҳамда бошқарув аппарати тузилмаси тасдиқланди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси

маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган кўплаб давлат унитар корхоналари ташкил этилди. Ушбу давлат унитар корхоналари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

-550,1 километрдан кўпроқ зовур-дренаж тармоқлари тизимли тозаланди;

-67,2 километрдан ортиқ ёпиқ-ётиқ дренажларда ювиш ишлари амалга оширилди ва зовурлардаги 55 га яқин қувурли ўтиш жойлари таъмирланди;

-125 та сув ўлчаш (гидропостлар) иншоотлари, 244 та мелиоратив тик қудуқлар, 127 та мелиоратив насос станциялар (агрегатлар) таъмирланди.

Жамғарма маблағлари ҳисобига яқин беш йил мобайнида ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 508 дона эксковатор, 116 дона бульдозер, 75 дона ёпиқ-ётиқ зовур-дренаж тармоқларини ювувчи агрегатлар, 91 дона механизмларни ташиш учун ёрдамчи техникалар имтиёзли лизинг шартлари асосида харид қилиш белгиланди.

Бозор муносабатлари ва рақобатчилик муҳитидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан тежамкорлик ва оқилона фойдаланишни ташкил этишда бошқаришни маълум стратегик қоида ва тартиблари даражасида амалга оширилиши лозим. Шу мақсадда деҳқончиликда ҳам кескин иқтисодий фаолият жабҳасига айлантирилиши керак. Демак ер ва сув ресурслари иқтисодий қийматга эга бўлиши ва улар даромад келтириши, яъни иқтисодий манфаатдорлик бўлиши керак.

Сув истеъмолчилари уюшмаси бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларига сув етказиб беришни ўз бўйинларига олар эканлар, авваламбор сув танқислиги кузатилаётган бугунги кунда сувдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашда лизинглардан самарали фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун СИУларга махсус бино ва компьютерлар тизими зарурдир.

Ушбу бошқарув усули биринчидан, ҳар бир фермер даласига ўрнатилган сув ўлчаш асбоблари ёрдамида сувнинг график асосида бир текисда тақсимланиши кузатилса, иккинчидан, қайси фермер сувдан самарасиз фойдаланаётганлиги ҳамда лимитдан ортиқча сув олаётганлигини компьютер орқали кузатиш мумкин бўлади. Шунингдек, ҳар бир СИУга қарашли бўлган фермерларнинг ер майдонлари, экин турлари, гидротехник иншоотлари, зовур-дренаж тармоқлари, ёпиқ-ётиқ дренажларнинг ишлаши ва сув ўлчаш асбобларининг ишчи ҳолатлари компьютерга киритилган маълумотлар асосида кузатиб борилади.

Ушбу бошқарув структурасининг афзаллиги шундан иборатки, сувнинг пуллик тўловига ўтилгандан сўнг ҳар бир фермер хўжалиги ўз ҳисобидан ёки СИУлар томонидан қисқа муддатли кредитлар асосида сув ўлчаш асбобларини ўрнатишга мажбур бўлади. Бунда СИУларда хизмат кўрсатувчи ходимлар сони битта ёки икки кишидан иборат бўлиши кифоядир. СИУлар томонидан сув ресурсларини тақсимлашнинг компьютерлаштирилган бошқарув тизимига ўтилиши, суғориладиган экин майдонларини сув ресурслари билан мунтазам ва ишончли таъминлаш, улардан унумли фойдаланиш ва келажакда долзарб бўлган муаммони ечимини топишда ҳар томонлама мукамал ёндошишни тақозо этади.

Лекин айти пайтда барча СИУлар бу тизимни яратиши учун етарлича маблағи йўқ. Бизнинг фикримизча, СИУга қарашли бўлган фермер хўжаликлари ҳисса қўшиш йўли билан компьютерлаштирилган тизимни жорий этишса, бу тизим нафақат сув тақсимлаш ишларини бажариши балки ҳисоб-китоб ва турли маслаҳат хизматларини олиб бориши ҳам мумкин бўлади. Шунингдек, сув танқислигини юмшатиш бўйича вилоятимиз суғориладиган ерларида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- манбаларнинг сув таъминотига қараб сув лимитини белгилаш ва унинг асосида сув ресурсларини оператив бошқариш;
- каналлар бўйича сувнинг айланма графикларини ишлаб чиқиш ва шу асосида сув тақсимотини амалга ошириш, ҳамда коллектор-дренаж, ер ости, сой ва булоқлардан қўшимча сув олиш чораларини кўриш;
- сувдан фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш, сувнинг беҳуда сарфига

йўл қўйганларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш;

- сувни иқтисод қилиш ва фойдаланиш бўйича СИУ ва фермер хўжаликлари мутахассислари иштирокида амалий семинарлар ташкил этиш ва ОАВ орқали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- тежамкор суғориш технологияларини қўллаш ва суғориладиган ерларни текислаш, ер майдонининг нишаблигига қараб эгатларни қисқа олиш (50-60 м);

- суғоришни экинлар талабидан келиб чиқиб ташкил этиш, шунингдек, сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий қилиш ва бошқалар.

### 3.2. Сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш истикболлари

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда асосий эътибор сув иншоотларидан самарали фойдаланиш ва бирламчи сувдан фойдаланувчиларнинг сувни истеъмолчига етказиб беришдаги самарадорлигини оширишга қаратиш лозим. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги учун етиштирилаётган маҳсулот айнан иккиламчи сув истеъмолчилари томонидан ҳосил бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, шу бўғин учун техник, иқтисодий ҳуқуқий, ташкилий ва таклиф этилаётган экологик чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир (3.1расм).

Техник чора-тадбирларни қўлланилиши натижасида каналларда буғланиш туфайли сув йўқотилиши камайтиради, экин майдонларида беҳудага сувни йўқотишларга чек қўйилади. Бизга маълумки, вилоят бўйича суғориш тизимининг фойдали коэффициенти 0,74 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич ҳозирча юқори эмас. Бундан ташқари экин майдонларини капитал текислаб туриш, ҳамда экиндан олдин жорий текислаш ишларини ўз вақтида бажарилиши ва экинларни турига қараб жойлаштирилиши сув сарфини камайтиришга олиб келади.



3.1-расм. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари

Иқтисодий чора-тадбирлар натижасида сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий қилиниши сувнинг аниқ қийматини белгиланишига олиб келади. Бироқ ханузгача бу ҳисоб-китоблар амалиётда синаб кўрилган эмас. Чунки, сув миллий бойлик ҳисобланиб, иккиламчи сувдан фойдаланувчилар сув учун тўловларни бадал шаклида тўлаб келишмоқда.

Агар сувнинг эксплуатация харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланса, у ҳолда фермерлар учун етиштирилаётган маҳсулотининг таннархи қимматлашади. Фермерларимиз эса ҳали бу харажатларни қоплашга имкониятлари етмайди. Шундай экан, СИУларга, фермер хўжаликларига сувдан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишлари ҳамда сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритишлари учун, сув олиш нуқталарида сув ўлчаш асбобларини ўрнатишларига ва суғоришнинг замонавий усулларида фойдаланишларига давлат томонидан кўмак сифатида лизингга керакли воситаларни сотиб олишларига имконият яратилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий чора-тадбирларнинг қўлланилиши асосан сувни ишлатиш ва тарқатишни назорат қилиш, яъни сув ҳавзаларининг бош сув тарқатиш тизимидан бошлаб, сувни экин экилган майдонга етказилгунга қадар назорати олиб борилади. Лекин сувдан самарасиз фойдаланган истеъмолчилар учун жарималарни белгилаш

ва ундириш ҳамда сувдан самарали фойдаланган истеъмолчилар учун эса рағбатлантириш механизмларини юритиш ирригация тизимлари бошқармаларига ва СИУлар зиммасига юклатилади.

Ташкилий чора-тадбирларнинг қўлланилиши биринчи навбатда суғориш сувларини етказиб берувчилар билан шартнома муносабатларини ҳуқуқий асослари тўғри ташкил этилади, иккинчидан хўжаликлар ичида ердан фойдаланиш шаклини замонавийлаштириш, яъни сувни бошқаришни таъминловчи гидротехник жиҳозлар, сув ҳажмини ўлчаш қурилмалари билан таъминланади, учинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ер, сув, ва техника воситалари бир-бирини тўлдирган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошишига ёрдам беради. Бошқа томондан эса суғориш сувларидан юқори даражада фойдаланишга яъни, сув захираларидан самарали фойдаланишга, техник ва меҳнат захираси самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Таклиф этилаётган экологик чора-тадбирлар натижасида ерларнинг шўрланиб кетиши олди олинади, ер ва сув эрозиясига учрамаслик чоралари кўрилади. Бинобарин, суғорма деҳқончиликда суғориш суви тупроққа, ўсимликка, агротехниканинг усуллари ва макроиклимга маълум даражада таъсир кўрсатади. Суғориш усуллар тўғри танланганда ва суғориш муддатлари, сони оптимал бўлганда, шунингдек, суғориш техникаси тўғри амалга оширилганда суғориш сувининг ижобий таъсирини, суғориш режими ва техникаси бузилганда эса салбий ҳолатларнинг тури ва миқдори ортиб боради. Хусусан, захобнинг кўтарилишига, ерларнинг иккиламчи шўрланиши, ботқоқланиши, тупроқнинг зичланиши, берчланиши, унинг сув- озика режимлари ҳамда зоофаунаси ва микрофлораси экологик муҳитининг бузилиши, шунингдек, тупроқнинг ирригацион эрозияга учраши туфайли унумдор қатламнинг емирилиши каби қатор салбий оқибатларга юзага келади. Чунончи, ирригацион эрозия тупроқнинг унумдорлигига қирон кел- тирувчи оқибатдир. Шундай экан, суғорма деҳқончиликда қўлланиладиган агротехника ва ирригацион эрозияга қарши барча тадбирлар мазмунан мелиоратив бўлиши ва улар тупроқни ҳимоя қилишга

қаратилиши зарур. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсимликларни эгатлаб суғоришда тупроқни эрозиядан ҳимоя қилишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Эгатлаб суғориш техникасини тўғри ташкил этиш. Эгатлаб суғоришни ташкил қилишда дастлаб ерларнинг нишаби, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, эгатларнинг узунлиги ва уларга қуйиладиган сув оқимининг миқдорлари билан белгиланади. Эгатларга сувни шундай тақсимлаш керакки, бунда уларга қуйиладиган сувнинг миқдори тупроқнинг сув шимиш даражасидан кичик бўлсин. Ана шунда эгатлар ичида намланиш олдинда, оқим эса орқада боради, тупроқнинг эрозияланиши кескин камаяди.

- Суғоришда оптимал меъёрларни қўллаш. Кузатишларга қараганда, аксарият ҳолларда оптимал меъёрларда суғоришга эътибор қилинмайди. Масалан, ғўзани катта меъёрларда суғоришда сувчилар захлатиб суғоришни хуш кўрадилар ва оқибатда сувнинг катта (30-40 % ва ундан ортиқ) қисмини оқовага чиқариб юборадилар. Оқовага чиқадиган сув билан тупроқнинг тонналаб лойқа заррачалари ҳам ювилиб кетади. Шу боис ғўзани оптимал меъёрларда, сувни оқовага чиқармай, суғоришни ташкил этиш ирригацион эрозияга барҳам беришнинг самарали усулидир.

- Суғоришда прогрессив усулларни қўллаш. Ҳозирги даврда тупроқ остидан суғориш, ёмғирлатиш, айниқса, томчилатиб суғориш усуллари кенг йўл очилмоқда, бунда ҳеч қандай тупроқни эрозияланишига йўл қолмайди. Қуйида келтирилган 3.1-жадвалда томчилатиб суғориш тизимларининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, томчилатиб суғориш технологияни жорий этиш харажатлари Квин-Гиль (Исроил)да 12500 АҚШ долларни, SUNSTEAM (Туркия)да эса 14000 АҚШ долларни ташкил этмоқда.

### 3.1-жадвал

#### Томчилатиб суғориш тизимларининг иқтисодий кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Паёт босимли (Ўзбекистон)	Квин-Гиль (Исроил)	SUNSTEAM (Туркия)
1	1 га учун сарф-харажат: минг сўм	1100,0 400,0	5000,0 2500,0	5600,0 2800,0

	А) қатор оралик экинлар Б) боғ ва узумзорлар			
2	1 га учун сарфланадиган материал кг да: А) қатор оралик экинлар Б) боғ ва узумзорлар			
		150,0 50,0	800,0 400,0	600,0 400,0
3	Талаб этиладиган сув босими, м.сув устунида	1,0-2,5	25,0	20,0
4	Тизимни ишлатиш учун талаб этиладиган насос қурилмаси	Талаб этилмайди	Талаб этилади	Талаб этилади
5	Сувни тозалаш учун-фильтр зарурияти	Талаб этилмайди	Талаб этилади	Талаб этилади
6	Иқтисодий самарадорлик (АҚШ долларида): -қатор ораларини ишловини камайтириш -ҳосилдорлик ошиши -минерал ўғитлар ва химикатлар -суғоришда сувни иқтисоди	340,0 850,0 170,0 340,0	340,0 850,0 170,0 340,0	340,0 850,0 170,0 340,0
7	Технологияни жорий этиш капитал харажатлар, АҚШ доллари	2500,0	12500,0	14000,0
8	Хизмат муддати, йил	3-8	3-8	3-8
9	Харажатларни қоплаш муддати	1	5	6

Бироқ Ўзбекистонда паст босимли томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этиш харажатлари атиги 2500 АҚШ долларни ташкил этади холос. Ҳар учаласининг ҳам хизмат муддати 3 йилдан 8 йилгача бўлиб, харажатларни қоплаш муддати Ўзбекистонники учун бир йил, Исроилники 5 йилгача ва Туркия технологиясининг харажатларини 6 йилгача қоплаш мумкин бўлади.

Шуни қайд қилиш керакки, томчилатиб суғориш тизими суғориш сувининг сифатига, минерал ва органик моддалар суспензияси таркибини юқори талабларда тайёрлашга, ҳамда томчилатиб суғориш тизими ва унинг асосий қисмлари бўйича хизмат қилувчи мутахассисларни юқори малакада тайёрлаш заруриятини талаб этади. Шунингдек, тизимнинг ишлаш қобилияти электрт энергияси мавжудлиги (электр насослар учун) ва ёнилғи (дизел насослар учун)

ҳамда тизимни доимий назоратда, ишга яроқсиз томизғичларни тезкор алмаштириш, вегетация даврида филтър ва қувурларни серлојқа фракциялардан профилактик ювишга, тозалашга боғлиқдир. Томчилатиб суғоришнинг юқори қиймати, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича ўртача 5-6 йилда қопланади.

Ушбу тадбирлар керакли иқтисодий механизмларни ишлатиш орқали амалга оширилади. Шунини таъкидлаш жоизки, хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини қўллаш учун ташкилий базаларни тузиш мақсадида ўтказилади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асосида сувдан фойдаланганлиги учун тўлов тизимига ўтишни тақозо этади.

Ушбу шароитлардан келиб чиққан ҳолда, сув учун тўлов услубини қўллаш, хўжаликлар ичида ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришнинг такомиллашган йўлларига ўтиш заруриятини келтириб чиқаради. Тадқиқотлар натижасида қуйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:

- Ердан фойдаланишда иқтисодий механизмларни фақат кооператив корхоналар ҳажмида йўлга қўйиш мумкин бўлади. Сувдан самарали фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизминини ишга тушириш учун хўжаликлар ичида ишлаб чиқариш корхоналари ер бўлимлари чегарасида сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш зарур;

- Хўжалик корхоналари ер бўлимлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакли тузилиши асоси билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳар бир суғориш харитаси ҳажми ва конфигурациясига қараб, барча тракторлар, йиғим-терим ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш фаолияти ўзгаради, балки агротехник тадбирларни олиб бориш тартиби ҳам ўзгариши мумкин;

- Суғориш харитасида барча агротехник тадбирларни яъни, ҳайдаш, экиш, культивация, суғориш ишларини ўз вақтида бажарилишинини иккиламчи сув истеъмолчиларга асосий вазифа қилиб белгиланади;

- Сувли ерлар деҳқончилигида аграр деҳқончиликдан фарқли ўлароқ, агротехник тадбирларни ўтказиш тизими суғориш ўтказиш тартибига бўйсинади. Бирор агротехник ишни суғориш ишларидан четлаб ўтилиб бошқа ишга

алмаштириш имкони йўқ. Хусусан, пахтачиликда суғориш давомийлиги барча ишларни олиб бориш циклига боғлиқ бўлади; культивация, ўғит солиш ва бошқалар. Сув тақчиллиги шароитида сувдан самарали фойдаланишнинг материал масъулиятини кучайтириш орқали суғориш тизимидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади;

•Сув учун потенциал тўловчи бўлган ердан фойдаланувчилар сувдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш механизми самарали фаолият юритиши учун ўз мироблари бўлиши шарт. Суғориш тармоғи битта сув истеъмолчилари уюшмасини сув билан таъминлашни ҳисоб-китоб қилиши мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг сув билан таъминланиш даражасининг барқарорлиги кўшни давлатлар ҳудудида жойлашган сув омборларининг иш режимига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Сув танқислиги асосан вегетация даврида яъни, экинларни айна ҳосил тўплаш даврида кескинлашмоқда ва бунинг салбий таъсири нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки экологик йўқотишларни ҳам келтириб чиқармоқда.

### **Хулоса ва таклифлар**

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин:

-сув ресурслари бу- иқтисодий босқичларда ўзгариб турадиган барча чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувларидан иборат бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбаларининг йи- ғиндисидан иборатдир.

-қишлоқ хўжалигида сув ресурслари билан таъминланганлик деганда, ҳақиқатда сарфланган сув миқдорини меъёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдorigа нисбати орқали аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда меъёр бўйича бериладиган сув миқдорини ўсимликларнинг илмий асосланган суғориш

меъёрларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш лозим.

-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг технологик жиҳатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжалиklarининг сувга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисобини юритиш, сув хўжалигида таркибий ўзгартиришлар қилиш, замонавий бошқарув тизимини шакллантириш, СИУнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда лизинглардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

-сув ресурсларидан бирламчи фойдаланувчиларнинг сувни истеъмолчига етказиб беришдаги самарадорлигини оширишга қаратилган техник, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва экологик чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган куйидаги **таклиф** ва **амалий тавсиялар** бериш мумкин:

суғоришнинг «томчилатиб суғориш» усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

суғориладиган майдоннинг реал ҳолати, ўлчамлари ва содир бўлаётган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларни кенгайтириш учун суғоришнинг электрон харитаси дан фойдаланиш;

суғоришда янги технологияларни жорий қилишнинг ижтимоий самарасини аниқлашда сувнинг нархини асос қилиб баҳолаш зарур;

ўртача ва кучли шўрланган ерларда маҳсулот етиштираётган фермер хўжалиklари учун ягона ер солиғи тўлаш имтиёзини бериш ва ҳакоза.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. - Т., «Шарқ», 1998.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» // Солиқ тўловчи журнали. 1998. - № 7-8. - Б.12.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиглари тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрирда) // «Халқ сўзи» газетаси. 2004. - 15 октябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июл- даги «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги №320-сонли Қарори. 2003. - 21 июль.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йил- ларда фермер хўжалиглари ядал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли Қарори. 2004. - 24 декабрь.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асари ва маърузалари**

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Тошкент. 2014 йил 17 январ.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т., «Ўзбекистон», 1998. - Б.211.

8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлан- тириш яқунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш- нинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. - 2009. 14 февраль.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т., Ўзбекистон, 2009. - Б.56.

### 3. Дарслик, ўқув қўлланмалар

10. Абдуллаханов Р. Ўзбекистонда сув хўжалиги комплекси ва унинг муаммолари. Монография. - Т., 2002. - Б.144.

11. Фармонов Т.Х. Фермер хўжалигиларини ривожлантириш истиқболлари. - Т., «Янги аср авлоди». 2004. - Б.143.

12. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Т., «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти». 2004.- Б.304.

13. Ҳамраев Ш., Шералиев Н. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни. - Т., «Талқин». 2006. - Б.288.

14. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Т., «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти». 2004. - Б.304.

15. Ҳамраев Ш., Шералиев Н. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни. - Т., «Талқин». 2006. - Б.288.

16. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т., «Иқтисод-молия». 2007. - Б.228.

17. Муродов Ш. ва б. Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. - Т., «Алоқачи нашриёти». 2007. - Б.159.

18. "Сув ресурслари тўплами", 1967 .; 2-М.И.Львович ва бошқалар, 1969 ; 3-"Сув ресурслари тўплами", 1987 .

Интернет веб саҳифалари :

19. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

20. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

21. [www.o'zqishloqxo'jalikmashlizing.uz](http://www.o'zqishloqxo'jalikmashlizing.uz)

22. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)